

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Шохрух МАРДОНОВ

ўқитувчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада Корея Республикасида сўнгги йилларда содир бўлаётган демографик ўзгаришлар ҳақида сўз юритилган. Мамлакатдаги демографик муаммоларнинг иқтисодийга салбий таъсирлари ҳудудий жihatдан ўрганиб чиқилган ҳолда мураккаб вазиятдан чиқиш учун амалий таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** демография, аҳоли зичлиги, ҳудуд, минтақа, туғилиш, йирик шаҳарлар ва агломерациялар.

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ДЕМОГРАФИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ РЕСПУБЛИКИ КОРЕЯ

Шохрух МАРДОНОВ

преподаватель

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

### Аннотация

В статье говорится о демографических изменениях, происходящих в Республике Корея в последние годы. В региональном разрезе изучено негативное влияние демографических проблем страны на экономику, даны практические предложения по выходу из сложной ситуации.

**Ключевые слова:** демография, плотность населения, площадь, регион, рождаемость, крупные города и агломерации.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг деярли барчасида туғилишнинг сезиларли даражада камайганлигини кайд этиш мумкин. Маълумки, демографик жараёнларнинг аҳоли турмуш даражаси билан узвий боғлиқлиги мавжуд. Ғарбий Европа, АҚШ, айрим Шарқий Осиё мамлакатларидаги иқтисодий фаровонлик, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши оқибатида мамлакатларда туғилиш суратлари кескин камайиб бораётганлиги кузатилади. Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда жаҳонда глобал демографик трансформациялар амалга ошмоқда. Маълумотларга кўра, 2050 йилга келиб жаҳон аҳолисининг ҳар олти кишидан

бирининг ёши 65 дан ошади, ваҳоланки, бу кўрсаткич 2019 йилда ҳар ўн бир кишидан бирини ташкил қилган. Кўпчилик мамлакатлар демографик пасайиш жараёнига ўтишни бошидан кечираётган бўлса-да, Корея Республикасида ушбу жараёнлар кескин характер касб этади. Хусусан, мамлакат статистика хизмати маълумотларига кўра, 2021 йилда мамлакатда туғилиш даражасининг энг паст кўрсаткичи қайд этилди [1]. Глобал миқёсда кузатилаётган иқтисодий ўсишнинг секинлашуви, кўчмас мулк нархларининг кескин ўсиши аҳоли қатламлари учун фарзанд кўриш билан боғлиқ харажатларнинг сезиларли ошишига ва натижада демографик вазиятга ўзининг салбий таъсирини кучайтирмоқда.

Корея Республикасининг айрим демографик маълумотларига эътиборни қаратсак. Мамлакатнинг жами аҳолиси 2021 йилда 51,7 млн. кишини ташкил этган [2]. Аҳоли умри давомида фарзанд кўриши мумкин бўлган кўрсаткич сезиларли пасайиб, 2021 йилга келиб, 0,84 ни ташкил этди. Бу даража жаҳон миқёсида қайд этилган энг паст кўрсаткич ҳисобланади.

Корея уруши якунлангандан сўнг, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига келиб мамлакатда жадал демографик ўсишга эришилди. Корея Республикасида 1960-1970 йилларда кузатилган юқори иқтисодий ўсиш жараёнлари жадал демографик ўсишнинг асосий сабабларидан бири бўлди. Эришилган давомли юқори иқтисодий ўсиш натижасида 1990 йилларга келиб ўз вақтида қашшоқ мамлактлардан бири ҳисобланган Корея Республикаси иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олди. Бироқ, аҳоли фаровонлигининг ошиши ва оилани режалаштиришга қаратилган таъсирчан сиёсат натижасида мамлакатда бир аёлга тўғри келадиган туғилиш кўрсаткичи кескин пасайиб, 1960 йилдаги 6,1 боладан 1990 йилга келиб 1,6 болага тушди. Нуфузли халқаро «Карнеги» жамғармасининг Осиё тадқиқотлари етакчи эксперти Чунг Мин Ли (Чунг Мин Лее) фикрига кўра, “Корея Республикаси кескин демографик пасайиш тенденцияси кузатилаётган жаҳондаги ягона давлат эмас. Аҳоли таркибида ёши катталар улуши жадал ошиб бориши кузатилаётган мамлакатлар


хозирги кунда 35 тани ташкил қилмоқда. 2050 йилга келиб ушбу ҳолат 50 га яқин мамлакатда кузатилиши кутилмоқда. Натижада, ушбу мамлакатлар иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни юмшатиш, кексалар учун муносиб ҳаёт сифатини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ўзгаришларга муҳтож бўлади” [3].

Иммиграция жараёнининг жадаллашуви мамлакатдаги демографик муаммоларнинг ечимидан биридир. Бироқ, катта миқдордаги иммиграция оқими мамлакат этник таркибининг салбий томонга ўзгаришига олиб келиши сабабли мамлакат аҳолиси ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмайди. Аҳоли қариши оқибатлари Корея Республикасининг деярли барча жабҳаларига, жумладан иқтисодиёт ва ҳатто, миллий хавфсизликка ҳам таъсир кўрсатади.

Корея иқтисодиёти институти тадқиқотчиси Кайл Ферриернинг фикрига кўра, Корея Республикасида ишчи кучининг қисқариши ва самарадорлик пасайишининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш учун ривожланган технологиялардан устувор фойдаланиш катта аҳамият касб этади [4].

Корея Республикаси ҳукумати аҳолининг табиий ўсиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш учун мамлакат миқёсида таъсирчан иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалда жорий этишни бошлаб юборди. Хусусан, 2021 йилдан бошлаб ҳукумат янги туғилган чақалоқлар 1 ёшга тўлгунига қадар ота-оналарига ойига 300.000 вон (250\$) миқдорида нафақалар тайинлади. Шунингдек, давлат томонидан бола парвариши ва ота-она таътилини қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилди. Бироқ кўрилаётган чора-тадбирлар деярли натижа бермади. Амалда, турмуш қуриш ёшига етган корейс ёшлари асосан ўқиш ва иш топиш билан машғул бўлишмоқда. Натижада, жамиятда оила қуриш турли хавотирларга тўла жараён деган тасаввур шаклланиб бормоқда.


Расм <https://data.worldbank.org/indicator/SP.POP.TOTL?locations=KR> ва <https://worldpopulationreview.com/countries/south-korea-population> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



**1-расм. 1960-2020 йилларда Корея Республикасида аҳоли динамикаси ва 2100 йилгача бўлган прогноз (млн. киши) [2], [7].**

Корея Республикасида 1960-1980 йиллар оралиғида аҳоли ўсиш суратлари мамлакат тарихида энг юқори бўлган. Шу даврда Корея Республикаси аҳолиси 52.4% фоизга ошган. 1980 йилдан кейин эса мамлакат аҳолисининг кўпайиш даражаси секинлашиб бормоқда. 2021 йилга келиб эса, аҳоли ўсиш суръати манфий натижани қайд этган. Корея Республикасида кузатилаётган туғилиш даражасининг кескин камайиб кетганлиги мамлакат аҳолисининг қисқаришига олиб келган асосий сабаб ҳисобланади.

Расм <https://www.worldometers.info/demographics/south-korea-demographics/> маълумотларига асосан тайёрланди.




**2-расм. 1955-2020 йилларда Корея Республикасида бир аёлга тўғри келадиган туғиш кўрсаткичи (нафар бола) [7].**

Юқорида таъкидланганидек, 2021 йил 1 чорақда Корея Республикаси статистика хизмати томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, бир аёлга тўғри келадиган туғиш коэффициенти 0,84 ни ташкил этди ва бу жаҳонда энг паст кўрсаткич сифатида қайд этилди. Бугунги кунда Корея Республикаси 1 дан паст кўрсаткич қайд этган жаҳонда ягона давлат ҳисобланади. Қиёслаш учун, Японияда ушбу кўрсаткич 2020 йилда 1,3 ни ташкил этган. Расмий статистика маълумотига кўра, 35 ёшгача бўлганлар орасида туғилиш даражаси сезиларли пасайган. Туғилишнинг тез суратларда камайиб бориши туфайли 2021 йилда Корея Республикаси аҳолиси сонининг биринчи марта қисқариши қайд этилди. Натижада, аҳоли сони 2021 йилда ўтган йилга нисбатан 57300 нафарга камайган.

Корея Республикаси аҳоли зичлиги бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги кунда мамлакатнинг 1 кв.км. худудида 503 нафар аҳоли тўғри келади. Шунингдек, Корея Республикаси худудининг 70% ер майдони аҳоли яшаши учун ноқулай ҳисобланган тоғ ва адирлардан иборат. Шу сабабли, мамлакат аҳолисининг аксарият қисми шаҳарларда истиқомат қилади

ва мамлакатда урбанизация даражаси юқори ҳисобланади. Расм <https://worldpopulationreview.com/countries/south-korea-population> манба асосида тайёрланди.




**3-расм. 2021 йилда Корея Республикаси аҳолиснинг йирик шаҳарлари кесимида тақсимои (минг киши) [7].**

Пойтахт шаҳар ҳисобланувчи Сеул Корея Республикасида аҳоли сони бўйича етакчилик қилади. Истиқомат қилувчи аҳоли сони 10 млн. нафардан ошган ягона шаҳар ҳисобланади. Сеулда мамлакат аҳолиснинг қарийиб 20 фоизи истиқомат қилади. Аҳоли сони бўйича пойтахтдан кейин Бусан ва Инчон шаҳарлари мос равишда 3,6 млн. ва 2,6 млн. нафар аҳоли билан 2 ва 3-ўринларни эгаллайди. Шунингдек, Сеулдан ташқари Корея Республикасида 9 та шаҳарнинг аҳолиси 1 млн.дан ошиқни ташкил қилади.

Кузатилаётган даврда Корея Республикасининг урбанизациялашуви жадал ошиб борди. Хусусан, 1955 йилда шаҳар аҳолиснинг улуши 24,4% ни ташкил қилган бўлса 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 81,8 % га етди. Кўриниб

турибдики, ўтган 65 йил давомида шаҳар аҳолисининг улуши 3 баравардан кўпроқ ўсган. Жадал индустрлаштириш ўз навбатида Кореяда шаҳар агломерацияларини пайдо бўлишига ва ривожланишига олиб келди. Бунинг натижасида мавжуд агломерацияларга аҳолининг кўчиб келиши оқибатида ривожланиш марказларининг кенгайиши бошланди ва иккинчи тарафдан янги агломерациялар пайдо бўла бошлади. Расм [www.worldometers.info/demographics/south-korea-demographics/urb](http://www.worldometers.info/demographics/south-korea-demographics/urb) манба асосида тайёрланди.



**4-расм. 1955-2020 йилларда Корея Республикаси шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг таркиби (минг киши) [7].**

Мамлакатда иқтисодий ривожланиш марказлари нисбатан табиий равишда шаклланди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шаҳар агломерациялари табиий усуллар орқали пайдо бўлганлигидан далолат беради. Табиий ҳолдаги яралган ривожланиш марказлари биринчи томондан самарадорлиги билан ажралиб турса, иккинчи томондан, шаклланиши учун нисбатан узоқ даврни талаб этади.

Мавжуд аҳоли миқдори прогнозларига кўра, 2022 йил якуни бўйича Корея Республикаси аҳолисининг сони 51 млн 850 минг кишини ташкил қилган ҳолда ўзининг максимал миқдорига етади. Мамлакатда туғилиш даражасининг кескин пасайиб кетиши аҳоли тақрибининг юқори суратларда қаришига олиб келмоқда. Мавжуд прогнозларга кўра, 2065 йилга келиб мамлакат аҳолиси таркибининг деярли ярмини 65 ёшдан ошганлар ташкил этиши кутилади. Бундай таркибга эга аҳоли Корея Республикасининг ишчи кучи, иқтисодиёти ва ҳарбий салоҳияти учун йирик қийинчиликларни келтириб чиқаради. 2021 йил статистика маълумотларига кўра, Корея Республикаси аҳолисининг ўртача ёши 83,5 ни, шу жумладан, эркаларда 80,5 ёш ва аёлларда 86,4 ёшни ташкил қилади. Қиёслаш учун, ушбу кўрсаткичлар 1950 йилда мос равишда 41,9 ёш, 37,7 ёш ва 47,3 ёшни ташкил қилган [5].

Статистик маълумотлардан кўринадик, ўтган 70 йил давомида мамлакат аҳолисининг умр кўриш давомийлиги деярли 2 баробарга ошган. Мамлакат аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси 80 ёшдан юқори шаклланганлиги ва ҳар бир аёл кишига туғилиш кўрсаткичининг 1,1 дан паст даражага тушганлиги Корея Республикасини истиқболда жиддий демографик муаммолар кутаётганлигидан далолат беради. Аҳолининг қариш даражаси мунтазам ошиб бориши натижасида ҳукумат томонидан демография соҳасида турли стратегиялар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, ривожланган давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, аҳоли сонининг узок даврда сезиларли ўсишини таъминлаш, аҳоли таркибини ёшартириш деярли барча мамлакатлар учун энг мушкул вазифалардан бири сифатида қолмоқда.

Ўйлаймизки, масала қанчалик мураккаб бўлмасин, унинг ечимини топиш учун мос равишда қатъий чораларни кўриш лозим. Шу мақсадда ҳукумат томонидан ва давлат жамғармаларидан йирик миқдорда молиявий маблағлар жалб қилинмас экан мамлакатни демографик муаммодан олиб чиқиш мушкул бўлади. Бугунги кунда ушбу йўналишда ҳукумат томонидан олиб борилган



хатти-харакатлар деярли ўзининг ижобий самарасини берганича йўқ. Демографик пасайишнинг бошланғич босқичида қўйилган қадамларнинг таъсири албатта кейинги босқичларга қараганда самарали бўлишини ҳисобга олиб “касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ” деган фалсафани ёддан чиқармаган ҳолда ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <http://kostat.go.kr/portal/eng/pressReleases/8/7/index.board>
2. <https://data.worldbank.org/indicator/SP.POP.TOTL?locations=KR>
3. <https://carnegieendowment.org/2021/06/29/demographics-and-future-of-south-korea-pub-84817>
4. <https://keia.org/publication/monetizing-the-linchpin-trumps-foreign-policy-versus-the-u-s-korea-alliances-value-to-washington/>
5. <https://www.worldometers.info/demographics/life-expectancy/#countries-ranked-by-life-expectancy>
6. <https://www.openasia.asia>
7. <https://worldpopulationreview.com/countries/south-korea-population>